

Бақара сураси, 72-оят

09:00 / 23.09.2017 3012

Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақда ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқарувчидир. *Бақара 72.*

Ҳа, Бану Исроил ўз ичидан бир одамни ўлдириб, айбни бир-бирига ағдариб, босди-босди қилиб, қотилликни беркитиб юбормоқчи бўлган эди. Жиноятчи қавм ишни ўз қаричи билан ўлчаган эди. Улар устиларида ҳар бир нарсани билувчи, ҳар бир нарсага қодир – Алийму Қодир сифатига эга бўлган Зот – Аллоҳ таоло турганидан ғофил эдилар. Мана, энди Ул Зот Бану Исроилга айбларини юзларига солиб, бўлиб ўтган ишларни улар инкор қила олмайдиган тарзда айтиб бермоқда. Аллоҳ таоло уларга хитоб қилиб:

«Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақда ихтилофга тушганингизни эсланг», – демоқда.

Яъни «Сизлар бир одамни ўлдириб қўйдингиз. Сўнгра «Уни сен ўлдирдинг, мен ўлдирганим йўқ» қабилида иш тутиб, қотилни яширмақчи, азобдан сақлаб қолмоқчи бўлдингиз. Лекин

«Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқарувчидир».

Яъни «Аллоҳ сиз беркитиб, биров билмасин, деб уринган ҳар бир нарсани юзага чиқарувчи, ошкор қилувчидир. Жумладан, ушбу қотилликни содир этган шахсни ҳам. Сиз ўзаро ихтилоф қилиб, тан олмай, беркитиб юбормоқчи бўлсангиз-да, барибир Аллоҳ қотил ким эканини юзага чиқарувчидир».